

ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Низомий номидаги ТДПУ
“Ўзбекистоннинг энг янги тарихи”
кафедраси доценти в.б.
Н.З. Мадаминова

Резюме

Муаллиф ўз мақоласида бугунги кунда долзарб аҳамият касб этган таълим-тарбия тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда унинг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти хусусидаги фикрларни илмий асослайди.

Калит сўзлар: илм-фан, таълим, тарбия, ижтимоий фанлар, дунёқараш, маърифат, метод, инсонпарвар, рақобатбардош, тафаккур, технология.

Педагогические механизмы модернизации преподавания общественных наук

Резюме

В своей статье автор научно обосновывает взгляды на совершенствование механизмов преподавания общественных наук в системе образования, которые стали актуальными на сегодняшнее время, и его значение в повышении эффективности образования.

Ключевое слово: наука, образование, воспитание, общественные науки, мировоззрение, просвещение, метод, гуманитарный, соревновательный, мышление, технология.

Pedagogical Mechanisms for Modernizing the Teaching of Social Sciences

Resume

In his article, the author scientifically substantiates the views on the improvement of the mechanisms of teaching social sciences in the education system, which has become relevant today, and its importance in improving the effectiveness of education.

Key words: science, education, upbringing, social sciences, outlook, enlightenment, method, humanitarian, competitive, thinking, technology.

Дунё услуксиз ўзгаришда экан, унинг сир-асрорини очиш учун илм-фан ҳам бир жойда тўхтаб қолмай, таълимга янгича ёндашув яъни, илғор инновацион таълимни самарали шаклларни тадбиқ этишни тақозо этади.

Таълимнинг бугунги кундаги долзарб вазифаси, глобализм давридаги турли ўзгаришларга ўзининг кенг дунёқараши, юксак тафаккури, таълим ва тарбияси билан қарши тура оладиган рақобатбардош мутахассис тайёрлашдан иборатдир. Бунинг учун таълим ва тарбия жараёнларига янги замонавий педагогик технология, метод ва ахборот коммуникацион технологияларга таълимий ёндашув, педагогдан ушбу воситалардан мустақил фойдаланишни шакллантириш талаб этилади.

Таълимнинг фундаментал асоси профессионализм, акмеологик ёндашув ва техник воситаларни уйғун тарзда мақсадли қўллаш асосий кўрсаткич саналади. Жаҳон педагогик тажрибасида талаба-ёшларни ўқув фанларига қизиқтириш ва фаоллигини оширишда замонавий педагогик технологиялар асосида билим бериш имконияти чексиз экани ўз тасдиғини топган. Таълим технологиясининг асосий муаммоси, таълим олувчи шахсни фаоллаштириш орқали таълимда кўзланган мақсадга эришишни таъминлаш.

Аввалгидек фақатгина ўқитиш тизимини такомиллаштириш эмас балки, таълим олувчи шахс қобилиятини англаш, ўрганиш ва интеллектуал салоҳиятини белгилаб, ривожлантиришдан юқори малакали мутахассисни тарбиялаш муҳим масала саналади. Таълим соҳасига педагогик инновацияларни жалб этиш соҳа олдида турган долзарб муаммони ҳал этишда тўғри ечим бўлади. Таълим олишга акмеологик ёндашув фаолиятни мунтазам тарзда профессионализм даражасида бўлишини таъминлаш омили саналади.

Социологик тадқиқотлар натижасига кўра, таълим муассасалари шахсга ҳаёти давомида керак бўладиган таълим-тарбия ва билимни мингдан биринигина бера олар экан, аммо бутун умрга керак бўладиган барча кўникмаларни берар экан.¹

¹ Юсупов Ҳ Фалсафий тафаккур билимлар мезони./Мозийдан садо.ж. –Т.: 2004, -21.-23.б.

Талаба-ёшларда таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб дастурий билим, тасаввур ва кўникмалар асосида ўқитиш тизимини такомиллаштиришдир. Инновацион педагогик фаолият, бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрларининг мавжуд меъёрлар билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мужмал муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятдир,”-деган эди В.И.Слободчиков.²

Таълим технологияси таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни яъни, аввалдан лойиҳлаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали ва унумли фойдаланишга нисбатан айтилади.

“Таълим технологияси (ингл.“an educational technology”) таълим, ўқитиш жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши, технология (юнон. “techne”- маҳорат, санъат, “logos”-тушунча, таълимот)га эса муайян ишлаб чиқариш, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жараёнларнинг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши”дир.³

Бу борада педагогдан нафақат юқори билим ва малака маҳорати компетенцияси, балки ахборот-таълим муҳитида таълим технологияларидан оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантириш талаб этилади. Бунинг учун таълим ва тарбиянинг мақсади, таълим мазмунига мос ўқув материаллари мамлакатимиз ривожланишининг устувор йўналишлари билан ҳамоханг бўлиши лозим.

“Метод муаммоси доимо фалсафий, педагогик ва илмий оламнинг диққат марказида бўлган, метод у ёки бу шаклда маълум қоида, тартиб, усул, ҳаракат ва билим мезонларининг йиғиндисидир. У тамойил ва талаблар тизими бўлиб, субъектни аниқ вазифани бажаришга, фаолиятнинг шу соҳада маълум

² Толипова Ж., Нумонова Н., Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялар.//Халқ таъ-лими. ж.2002,№3, -20.-24 б.

³ Жуманиёзова М.Т. Илғор педагогик технологиялар ва уларни амалда қўллаш.-Т.:2010, -15.-16.-17.-24 б.

натижаларга эришиш сари йўналтиради. У ҳақиқатни излашда вақт ва кучни тежайди, мақсадга энг яқин ва осон йўл билан етишга ёрдам беради”⁴.

Мазкур методлардан ижтимоий фанларни ўқитишда фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, “Ибтидоий динлар” масаласини қиёсий ўрганишда пирамида методини қўллашга ҳаракат қилинди. Машғулот аввалида блиц-сўров методини қўллаш орқали талабаларнинг мавзу юзасидан билимлари диагностика қилинди. Пирамида методи соддадан мураккабга услулида қурилган, пирамиданинг пойдеворига ибтидоий даврда илоҳий тасаввур ва тафаккурни шакллантиришга туртки бўлган, антропогонез ва антропология ҳодисасидан борлиқни антропософик жараён орқали англаш жараёнига тегишли бўлган савол жойлаштирамиз.

Дастлаб, антропогонез, антропология ва антропософик атамасини луғавий маъносини аниқлашдан бошлаймиз, чунки, диншунослик, жумладан, ижтимоий фанларда атамани маъносини тўлақонлик англаш даврий муҳит ҳақида тасаввурга эга бўлиш имкониятини яратади.

Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш, юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади. Дарсинг методик ишланмаси, педагогнинг машғулот жараёнида нафақат ўзининг самарали фаолият кўрсатиши, балки, талабаларни ҳамкорликка ундаб, фаолият сари йўналтириш билим олиш самардорлигини таъминлайди.

Машғулот жараёнида педагог талаба-ёшларга ўрганиши лозим бўлган ўқув материални замонавий таълим технологиялардан фойдаланган ҳолда тақдим этиши талабадаги бефарқликни бартараф этиб, машғулотга қизиқишини орттиради.

Зеро, Юртбошимиз доимо ватанимиз ёшларига юксак ишонч билан қараган, “Албатта, биз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Аммо холисона тан

⁴ Фалсафа комусий луғат. –Т.: Шарқ, -2004.-258 б. Фалсафа асослари. –Т.: Ўзб-н, 2005.-184.-185. Б.

олиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмай, аксинча уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур⁵, -дея таъкидлайди.

Фойдаланиган адабиёт:

1. Юсупов Ҳ. Фалсафий тафаккур билимлар мезони./Мозийдан садо.ж. –Т.: 2004, -21.-23.б.
2. Толипова Ж., Нумонова Н., Таълим-тарбия жараёнида замонавий педогогик технологиялар.//Халқ таъ-лими. ж.2002,№3, -20.-24 б.
3. Жуманиёзова М.Т. Илғор педогогик технологиялар ва уларни амалда кўллаш.-Т.:2010, -15.-16.-17.-24 б.
4. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: Шарқ, -2004.-258 б. Фалсафа асослари.-Т.: Ўзб-н, 2005.-184.-185. Б.
5. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: Ўз-н, 2017. –б.-17.

⁵Қаранг: Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: Ўз-н, 2017. –б.-17.